МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Умумий талаблар

1. Материаллар фақат юқорида кўрсатилган Telegram манзили орқали, Microsoft Word файли шаклида қабул қилинади.

2. Матн ўзбек, рус ёки инглиз тилларидан бирида тақдим этилади.

3. Матн такрорларсиз, мантиқан изчил ёзилган, фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда баён қилинган, илмий баҳс-мунозара ва иқтибосларга асосланган бўлиши лозим.

4. Келтирилган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши лозим.

5. Ҳажми: **мақола — 6–10 бет, тезис — 3–4 бет.**

Расмийлаштириш талаблари

6. Матн Microsoft Word дастурида, **Cambria** шрифтида, **14 пункт** ўлчамда, қаторлар оралиғи **1,15** интервалда терилади.

7. Саҳифа ҳошиялари: чап — 3 см, ўнг — 1,5 см, юқори ва пастки — 2 см.

8. Иқтибослар учун ҳаволалар **саҳифа остида**, 2 пункт ўлчамдаги шрифтда, 1,0 интервалда берилади.

9. Мақоланинг биринчи саҳифасида муаллифнинг Ф.И.Ш., илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, телефон рақами ва электрон почтаси кўрсатилади.

10. Мақола номидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқача аннотация ҳамда калит сўзлар келтирилади.

Қўшимча ҳужжатлар

11. Илмий даражаси (фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc)) бўлмаган муаллифлар мақолага шу соҳадаги етакчи олим ёки мутахассиснинг, ёхуд муаллиф фаолият юритадиган муассаса ёки унинг таркибий тузилмаси (кафедра) раҳбарининг материални тўпламда нашр этиш мумкинлиги ҳақидаги тақризини илова қилиши шарт.

МАҚОЛАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ НАМУНАСИ

МАҚОЛА НОМИ (бош ҳарфларда, қалин шрифтда, марказда)

Муаллифнинг Ф.И.Ш.

илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими,

телефон рақами, электрон почтаси

Аннотация (ўзбек, рус ва инглиз тилларида, 50–80 сўз).

Калит сўзлар: 5–8 та сўз ёки сўз бирикмаси.

Кириш...

Тадқиқот материаллари ва усуллари...

Тадқиқот натижалари ва уларни муҳокама қилиш...

Хулоса ва таклифлар...

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Мақола матнида расм, график ва жадваллар бўлиши мумкин.

Ташкилий қўмита материалларни саралаш ҳамда белгиланган талабларга жавоб бермайдиган материалларни қабул қилмаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Боғланиш учун масъул ходим: Б.С. Хуррамов

Тел.: +998 71 202-04-96 (ички 1928) **Моб.:** +998 99 744-44-03

ЭСЛАТМА! *Мақолаларда грамматик ва стилистик хатоларга йўл қўйилмаслиги лозим. Мақола мазмуни ва келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги учун муаллифлар шахсан жавобгардир.*